



КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФЛАР ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАХАТЛАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий суд раҳбарияти билан учрашди.

Учрашувда Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан халқимиз томонидан келиб тушган таклифлар яқунлари бўйича маслаҳатлашув бўлиб ўтди.

Депутатлар жамоатчилиги томонидан юборилган 200 мингдан ортиқ таклифларнинг ҳар бирини синчиқлаб ўрганиб чиқишди. Бунда халқаро тажриба ҳам инобатга олинди, турли соҳалардан етук мутахассислар ва экспертлар жалб этилди.

Бир неча ой давом этган ўрганишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳасининг якуний таҳрири тайёрланди.

Мазкур қонун лойиҳасида ижтимоий-

иқтисодий, сиёсий ва давлат бошқаруви соҳаларига оид ўта муҳим ўзгаришлар акс этгани сабабли қонун лойиҳасини референдумга қўйишдан аввал депутатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида белгиланган қонунчилик ташаббусига эга субъектлар билан маслаҳатлашувлар ўтказмоқда.

Бунда парламент ва ҳукумат, жамоатчилик вакиллари қонун лойиҳасига ўз таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Шунингдек, мазкур қонун лойиҳаси Конституциявий суд томонидан алоҳида кўриб чиқиши ва ҳулоса берилиши қайд этилди.

Маслаҳатлашувлар давом этади.

Ў.А.

ЎЗБЕКISTON ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

6 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабатлар кун тартибининг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Товар айирбошлашнинг ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлаш, икки мамлакатнинг етакчи компания ва корхоналари иштирокида иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва саноат кооперациясини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Худудларо ҳамкорликни янада ривожлантириш, маданий-гуманитар алмашувни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий шериклик масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Ў.А.

Қўнғиротлик хотин-қизларга янги хонадонлар калити топширилди


Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Аманбай Оринбаев Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Қўнғирот туманидаги ёрдамга муҳтож бўлган 10 нафар хотин-қизга янги хонадонларнинг калитини топширди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Қўнғирот туманидаги ёрдамга муҳтож бўлган 10 нафар хотин-қизга янги уйларнинг берилиши бунинг яққол исботидир. Замон талабларига мос ҳолда қурилган янги уйда барча шароитлар яратилган, деб ёзади Ў.А. муҳбири Довуд Абибуллаев.

Янги уйнинг калитини қабул қилиб олган хотин-қизлар аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламига кўрсатаётган алоҳида эътибори ҳамда ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ



Юксак мукофотлар муборак!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 мартдаги "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой тажрибаси билан бугунги туб ислохотларимизда фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаб-

бат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг фаррошлар бригадаси бошлиғи **Нармурадова Махбуба Акрамовна "Меҳнат шухрати" ордени** билан, Қувасой шаҳридаги "Қувасойцемент" акциядорлик жамиятининг хомашёни қайта ишлаш участкаси кран машинисти **Аталикова Евгения Владимировна**, Марҳамат туманида-

ги "Марҳамат 112-қурилиш" масъулияти чекланган жамияти пардозчиси **Рискулова Айногул Жунусовна "Дўстлик" ордени** билан, Балиқчи тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ишчиси **Меҳмононова Рўзихон Абдувалиевна "Шухрат" медали** билан мукофотланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 мартдаги "Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ибратли ама-

лий ишлари ва эришган ютуқлари билан юртимиз ёшларига ўрнатилган келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, Ватанимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намойён этаётган Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Бетон саноат" масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари **Обидова Ҳилола Илҳомжон қизи Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан** тақдирланди.

Сирожиддин Саййид,
Ўзбекистон халқ шоири

АЁЛ МАНЗУМАСИ

Бу диёрда ору номус,
шаъну шавкатдир аёл,
Меҳру шафқатдан яралган,
меҳру шафқатдир аёл.

Олам узра бир қуёш бор,
битта ой бордир, валеқ,
Ердаги нур — моҳитобон,
шамси талъатдир аёл.

Она сўзи юрт сўзи бирлан
нечун пайвастандир?
Бир улуг элдир, Ватандир —
шунга сархатдир аёл.

Кўкдаги кунларни ҳам
чарчатгуси меҳнатлари,
Уч юз олтмиш томири
иш бирла заҳматдир аёл.

Жон десам жононадир,
жоним десам жонимдадир,
Ул муҳаббат оламига
мангу даъватдир аёл.

Мен қошингизнинг қаросидан
дилимга хат олай,
Ваҳ, нечук нозик нафосат,
инжа санъатдир аёл!



Бу гўзал нозу адолар
ҳеч адолар қилмагай,
Қайта-қайта жон ато
этгучи ҳайратдир аёл.

Умрингизнинг боғларига
файз берган ҳам ўшал,
Билсангиз Ҳақдин мукофот
ҳамда рағбатдир аёл.

Онажоним, Она юртим,
давлатинг кам бўлмагай,
Токи сен борсан жаҳонда
катта давлатдир аёл.

8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 3-5 саҳифаларида танишасиз.

"O'ZBEKISTON BUNYODKORI" газетасининг расмий сайти – uzbunyodkor.uz ишга тушганини маълум қиламиз. Сайтга хабарлар, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва хизматларингиз ҳақида маълумотларни жойлаштиришингиз мумкин. ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!







“Ислоҳот”даги ислоҳотлар



Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳар бир ҳудуд қиёфасида, аҳоли турмуш тарзида ўз аксини топмоқда. Қурилиш соҳасида рўёбга чиқарилаётган ўзгаришлар, айниқса, одамларимиз қалбига илиқлик бағишлаб, шаҳар ва қишлоқларда обод манзиллар тобора кўпайиб бораётир. Самарқанд шаҳрининг “Ислоҳот” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бунга яққол мисолдир.

Ҳудудда барпо этилган замонавий кўп қаватли уй-жойлар ҳар қандай кишини ром айлаб, Ватан ичра ватан тушунчасининг мазмунини англайтиб туради. Чунки юз йил илгари қурилган эски, пасткам, кўрimsиз уйчалар, тор кўчалар ўрнида бу қадар мухташам иморатлар қад ростлаганини нафақат давлатимизнинг инсон омилига ғамхўрлиги, балки янги авлод тадбиркорларининг беқиёс ғайрати, уларнинг етуқлик сари одимлаётганининг ёрқин намунаси, деб эътироф этиш жоиздир.

Ўзимиздаги қизиқиш туфайли жамоа сардори, “Elite building” компанияси иш юритувчиси Икромбек Асламов билан суҳбатлашдик.

– Бугунги яратилган имконият ҳар бир кишидан фол, чаққон ва интилувчан бўлишни талаб қилади, – дея гап бошлади у. – Ушбу қурилиш участкасидаги ишларимиз давлатимиз раҳбарининг халқи-

мизни уй-жой билан таъминлаш борасидаги ташаббуслари ижросини бажариш билан бир қаторда, сифатли, мустаҳкам иншоотлар қуришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шу боис, ҳар қандай юмушга қатъият билан ёндашилмоқда. Уйлар лойиҳаларининг мукамал бўлиши, атрофда инфратузилма яратилишини таъминлашга эришиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Ютуқларимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Айтиш жоизки, бунёдкорлар 2015 йилдан буён мазкур мавзеда 1150 та квартирани ўз эгаларига топшириб, 3 000 нафар кишининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондирди. Компания аҳолига қулайлик яратиш мақсадида уйлар ертўла қисмида тикувчилик каби юмушлар учун цех, 250 ўринли мактабгача таълим ташкилотига асос солгани ҳам кўпчиликнинг эътиборини қозонгани сир эмас.

Ташкилот танлаган бренди – “Орзулар макони” сари интилиш, бинокорлик соҳасида тўпланган бой тажрибани ҳаётда кенг қўллаш Икромбек Асламовнинг асл мақсадига айланган. Отаси – компания директори, малакали молия мутахассиси Илҳом ҳожи Рустамов маслаҳати билан у яна бир улкан уй-жой мажмуасини қуришга киришди. Рудакий кўчасидаги эски консерва заводи ўрнида қад ростлайдиган мазкур йирик аҳоли тураргоҳига самарқандликлар аллақачон катта умид билан қарашмоқда.

– Бу ерда чинакам экошаҳарча қад ростлаши режалаштирилган, – деди Икромбек. – 6 гектардан зиёд майдонда еттита блокдан иборат 12 қаватли уйлар қурилади. Уларнинг замонавий, пишиқ ва мустаҳкам бўлиши учун барча имкониятларни ишга соламиз. Бунда жамоамиз фахрига айланган малакали мутахассис Ўткир Оқилов, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ва унинг синов лабораторияси ходимлари Боннат Саатов, Ольга Агоденко ҳамда лойиҳа муаллифлари – “Яхяев проект сервис” МЧЖ муҳандислари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Компанияда фаолият кўрсатаётган 150 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар ҳам ўз касбининг фидойилари. Биноларни тиклашда замонавий технологиялардан фойдаланаётгани эса нур устига аъло нур бўлмоқда.

САМАРҚАНДАДАГИ
“Elite building” компанияси



Меҳру вафо, сеvgи ва садоқат тимсоли бўлган қадрли аёллар! Сизларни баҳорий айём – Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлаймиз.



Муҳтарама онажонлар,
қадрли аёллар, гўзал
сингилларимизнинг
севимли байрами –

**8 МАРТ –
Халқаро
хотин-қизлар
куни.**

Ушбу баҳорий айём
барчангизга
қутлуғ бўлсин.
Касбий фаолиятингизга
муваффақият тилаймиз,
доимо гулдек
очилиб юринг!

**«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI» ДУК
ва унинг филиаллари жамоалари**